

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

6-son (2019-yil, dekabr)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2019

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

2019, № 6

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrda qarori bilan **pedagogika** va **psixologiya** fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriv nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy

Elektron manzil: ped_mahorat@umail.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Navro'z-zoda Baxtiyor Negmatovich – iqtisod fanlari doktori, professor

Mas'ul kotib: Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisod fanlari doktori

Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Choriyev Abdushukur Choriyevich, pedagogika fanlari doktori, professor

Yanakiyeva Yelka Kirilovna, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G'arbiy Universitet, Bolgariya)

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Jabborov Azim Meyliqulovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Sunnatova Ra'no Izzatovna, psixologiya fanlari doktori, professor

Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)

Morogin Vladimir Grigoryevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Xakassiya davlat universiteti, Rossiya)

Belobrikina Olga Alfonsasovna, psixologiya fanlari nomzodi, professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti, Rossiya)

Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)

Chuprov Leonid Fedorovich, psixologiya fanlari nomzodi, RAE professori (Abakan, Rossiya)

Kozubsov Igor Nikolayevich, pedagogika fanlari nomzodi, RAE professori (Kiyev, Ukraina)

Sidorova Lyudmila Pavlovna, falsafa fanlari nomzodi, dotsent ("Oliy iqtisodiyot maktabi" milliy tadqiqot universiteti (Rossiya))

Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoira Ne'matovna, filologiya fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Axmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor

Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisod fanlari doktori, professor

Bo'taboyev Muhammadjon To'ychiyevich, iqtisod fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharopovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Otabek Siddiqovich, iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	170
Khilola NAJMIDDINOVA. Methods of control and management of user communication with a computer	170
Nozimbek ZARIPOV. Umumiy o'rtta ta'lim maktablarida informatika fanini o'qitishda dasturlash muhitidan foydalanishni takomillashtirish yo'llari	173
Iroda XAYITOVA. Axborot texnologiyalari vositasida mustaqil ta'limni tashkil etish	177
АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАҢЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ	184
Комил МУҚИМОВ, Сиддиқ ҚАХҲОРОВ, Д. Намозова, Б. Эсанова. “Нанотехнологияга кириш” электив курсининг дастури хақида	184
Ҳасан АВЕЗОВ, Зилола СУЛАЙМОНОВА. “Каучуклар” мавзусини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш	188
Нафиса САФАРОВА. Некоторые пути повышения образовательной и сознательной активности учащихся медицинских учебных заведений на занятиях химии	193
Тўлқин РАСУЛОВ, Нурсайд МЕРАЖОВ. Математика дарсларида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ўстириш хақида	199
Файзулло ҚОСИМОВ, Феруз ҚОСИМОВ. Математикадан ижодий топшириқлар тизимини яратиш жараёни	202
Нилуфар МАМАТОВА, Ҳалим ТУРДИЕВ. Вариацион ҳисобнинг асосий ва бошқа масалалари” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялар ўрни	207
Умида УМАРОВА, Фулом ҚУРБОНОВ. Дискрет математика ва математик мантиқ фанини ўқитишда “зинама- зина” методи	211
Бекмурод ХУШВАҚТОВ. “Фотоэффект ходисаси” мавзусини ўқитишда кейс технологиясидан фойдаланиш	214
ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ	217
Шухрат АБДУЛЛАЕВ. Деятельность школы по ранней профилактике учащихся	217
Райим ШУКУРОВ, Мурод ТОШЕВ. Ҳаракатли ўйинлар орқали мактаб ўқувчиларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш	220
Нурзод ДАВРОНОВ. Миллий халқ ўйинлари бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш воситаси	223
Феруз БОБОМУРОДОВ. Оценка физического развития борцов различных специализаций на основе антропометрических и соматотипологических показателей	226
Содиқжон ҚАЗОҚОВ. “Кураш спорт тури” тараққиётида буюк сиймоларнинг ўрни	230
Sherzod MANSUROV. Abu Ali ibn Sinoning jismoniy tarbiya va sog'liqni saqlash sohasidagi fikrlari.....	233
Хайрулла МАТНАЗАРОВ. Сузиш спортида иқтидорли сузувчиларни саралаш самрадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар	236
Камол ШОКИРОВ. Развитие физических качеств студентов является актуальной проблемой.....	241
Раджаб БАЙМУРАДОВ. Бухоро вилоятида хотин-кизлар спортини ривожлантиришда бадий гимнастиканинг ўрни.....	247
ТАСВИРИЙ САҢЪАТ ВА МУСИҚА ТАЪЛИМИ	250
Санокул ДЎСТОВ. Дамли миллий мусиқа созлар таснифи	250
Даврон РЎЗИЕВ. Мусиқий ижрочилик маҳорати	256
Махфуза КАРИМОВА. Shashmaqomdagi buzruk maqomi borasida.....	259
Нодир ЁДГОРОВ. Чизмачилик дарсларида талабанинг график фаолиятида фазовий тасаввурнинг ўрни ваунинг хусусиятлари	265
Ботиршер ЖАББАРОВ. Хотира ва тасаввур асосида тасвир ишлаш машғулларининг ўзига хос жиҳатлари.....	271
Nafisa AVLIYOQULOVA. Rang tasvir darslarida ishlatiladigan qog'oz turlari va uni ishga tayyorlash borasida talabalarning bilim va ko'nikmalarini o'stirish	274
Feruz MAMUROVA, Sharofat SOBIROVA. Texnologiya yo'nalishlariga chizma geometriyaning ta'siri	277
Akmal AMINOV, Avaz SHUKUROV. Auto cad grafik dasturida 2d modellashtirishni bajarish bo'yicha doir ko'rsatma	280
“Педагогик маҳорат” журнали мақолаларини расмийлаштириш талаблари.....	285



Нурзод ДАВРОНОВ

Бухоро давлат университети
жисмоний маданият назарияси ва
услугиёти кафедраси ўқитувчиси

МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ

Мазкур мақолада ўзбек халқ ўйинларининг мамлакатимиз келажаги ҳисобланмиш ёшларимизнинг баркамол шахс сифатида вояга етказишидаги аҳамияти ёритилиб, бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни шакллантиришидаги ўрни кўрсатилган.

Калим сўзлар: тарбия, халқ ўйинлари, ривожланиш, баркамоллик, жисмоний сифатлар, анъана, қадрият.

В данной статье освещается роль узбекских народных игр в формировании физических качеств у младших школьников, значение нашей молодежи как гармоничной личности, которая рассматривается как будущее нашей страны.

Ключевые слова: воспитание, народные игры, развитие, совершенство, физические качества, традиция, ценность.

This article highlights the role of Uzbek folk games in the formation of physical qualities in younger students, the importance of our youth as a harmonious personality, which is considered as the future of our country.

Keywords: education, folk games, development, perfection, physical qualities, tradition, value.

Ёш авлодни маънавий бой, ахлоқий пок, жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш бугунги кунда таълим тизими олдида турган муҳим масалаларидан биридир. Бу масалани амалга оширишда эса бошланғич таълим муҳим ўрин тутди. Бошланғич таълимда ёшларимизни ақлий ҳамда ахлоқий тарбиялаш билан бир қаторда улар организмнинг шаклланиши ва ривожланишида асосий аҳамият касб этадиган жисмоний тарбиянинг ўрни бекиёсдир. Дарҳақиқат, мамлакатнинг келажаги ҳам ақлан, ҳам маънан, ҳам жисмонан уйғунликда фаолият олиб борадиган ёшларимизнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўқувчи ёшларнинг жисмоний тайёргарлик ва жисмоний ривожланиш масалалари мамлакатимизнинг қатор олимлари томонидан ўрганилган. А.Қ.Атоев, Ф.Н.Насриддинов, Р.С.Саломов, Т.С.Усмонхўжаев, М.Ю.Юнусова, Е.Я.Бондаревский, Ф.Хўжаевларнинг тадқиқотларида болаларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги, ҳаракат фаоллигининг суестлиги аниқланган. Шу билан бирга, педагогика фани ҳам ёшларнинг жисмоний тарбияси, мунтазам олиб бориладиган машғулотлар орқали жисмоний тарбияга эҳтиёж ва қизиқишни уйғотиш муаммоларига ҳамиша диққат қилиб келмоқда.

Мактаб ўқувчисининг шахс, комил инсон бўлиб шаклланишида, ривожланишида жисмоний тарбия алоҳида аҳамият касб этади. Халқ жисмоний тарбияси инсоният ривожининг илк босқичларидаёқ бола ва ўсмирларнинг шаклланишида асосий воситаларидан бири бўлган. Шу боис, бугунги кунда халқнинг миллий қадриятларига асосланган жисмоний тарбияга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ёшларда жисмоний сифатларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг миллий қадриятларга эътиборини ошириш, маънавий, ахлоқий фазилатларни таркиб топтириш учун кичик мактаб ёши энг қулай давр ҳисобланади. Ўз навбатида шахснинг жисмоний шаклланиши ва жисмоний тайёргарлик динамикаси ўқувчининг меҳнат қилиш лаёқати ва изчил бажариладиган жисмоний машқларнинг хусусиятига боғлиқ. Бошланғич синф ўқувчисининг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун миллий ва ҳаракатли ўйинларга асосланган дарс, машқларни тўғри ташкил этиш ва ўтказиш энг муҳим масаладир.

Ф.Н.Насриддинов, Х.М.Маҳкамжоновлар мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланиши бўйича олган маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, 5-7 ёшдаги боланинг жисмоний ривожланиши бир текисда борар экан, кичик мактаб ёшига келиб эса ривожланишнинг тезлашиш жараёни рўй беради.

Ўзбек халқ миллий ўйинлари ўзининг узок ўтмиши, бой тарихига эга бўлган, аждодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келаётган маънавий бойлигимиз, кадриятларимиздан ҳисобланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб миллий кадриятларимиз, анъана ва удумларимиз, шу жумладан, халқ ўйинларини қайта тиклашга катта эътибор қаратилди. Бугун юртимизда ёшларни спортга, миллий халқ ўйинларига кенг жалб қилиш масаласига соғлом авлодни вояга етказишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Дарҳақиқат, соғлом авлодни шакллантиришда миллий халқ ўйинлари муҳим аҳамият касб этади.

Барчамизга маълумки, бутун ер юзида ҳар бир халқ миллат сифатида шаклланибдики, улар ўзининг миллийлигига эга. Шу боис, ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, анъаналари, кадриятлари ҳамда миллий ўйинлари ҳам такомиллашиб боради. Шу ўринда табиий савол тугилади: аждодларимиз нима сабабдан ўйинлар ўйнашган, аслида “ўйин” ўзи нима?

Ўйинлар – халқнинг табиий ва тарихий эҳтиёжи сифатида шаклланган, яъни ҳар бир шахс ўйинга нисбатан ўзида эҳтиёж сезган. Шу боисдан инсонлар ўз машгулотларидан, меҳнатидан, яшаш шароити ҳамда ижтимоий муҳитдан келиб чиққан ҳолда ўйинларни яратишган. Шунингдек, халқ ўйинлари аждодлар турмуши, меҳнати, тарбияси, ютуқларини ўзида акс эттирган. Улар соғлом авлодни шакллантирувчи тарбия воситаси ва ёш авлодни ижтимоий-руҳий, ақлий ривожланишига хизмат қилувчи муҳим омил ҳисобланган.

Халқ ўйинлари азалдан аждодларимиз маданий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида эъзозланади. Аксарият ўйинларнинг илдизлари жуда қадимий бўлиб, улар асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга, онгу-тафаккури ва ҳис-туйғуларини теранлаштиришга хизмат қилган. Ўйинларда халқнинг турмуш тарзи, меҳнати, ютуқлари ўз аксини топади. Шу боис, улар ёш авлодни тарбиялашда “ҳаёт мактаби” вазифасини ўтаган [3].

Халқ ўйинлари инсон ҳаётидаги бўшлиқни тўлдирадиган, танасидаги ортиқча кучни сарфлашга, етмаганини эса тўплашга ёрдам берувчи восита ҳисобланган. Бундан ташқари, болалар ўйинлар орқали ҳаётга тайёргарлик кўришган, турмушдаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, иш ва курашда галаба қозонишни ўрганишган.

Маҳмуд Қошгарий ўзининг “Девони луготи-турк” асарида халқ ўйинларнинг 150 га яқин турларини тилга олиб, улардан 20 тасига таъриф беради. Бундан ташқари, “Авесто”да ҳам бир қанча олов ўйинлари ҳақида маълумот берилган. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Кайковуснинг “Қобуснома” асарларида ҳам миллий ўйинлар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Миллий халқ ўйинларининг соғлом авлод тарбиясидаги аҳамияти педагогик, психологик, тарбиявий, жисмоний ва соғломлаштирувчи нуқтаи назарда кўриб чиқилади.

Педагогик аҳамияти – ўйин ҳар бир шахснинг ҳис-туйғусини, тасаввурини, дунёқарашини бойитиб боради. Яна уларнинг кузатувчанлиги, зийраклиги ва зеҳнини таҳлил қилиб, билимини оширади. Ўйинлар орқали ёшларга маданиятимиз ва урф-одатларимиз таништирилади.

Психологик аҳамияти – ўйинлар шахснинг руҳияти ва кайфиятини кўтаришга хизмат қилади. Тарбиявий аҳамияти – ёшларни иродали, сабр-тоқатли, ҳаёт қийинчиликларини енгадиган, галаба қозонишга интиладиган, чаққон, эпчил, мард қилиб тарбиялайди.

Жисмоний ва соғломлаштирувчи аҳамияти – миллий ўйинлар ўйналганда организм тизимлари – нафас олиш, мушак, юрак қон томирларга самарали таъсир қилади. Ўйинлар очик ҳавода ўйналганда қон кислород билан тўйинади ва бу модда алмашинувини кучайтиради. Бу эса организмга ижобий таъсир кўрсатади ва барча хужайралар уйғонади. Ўйин ўйнаган шахс жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етади.

Халқ миллий ўйинлари халқ кадриятларига дахлдор бўлиб, уларни йиғиш, бойитиш ва болаларга тақдим этиш соғлом авлодни тарбиялаш йўлидаги муҳим ва зарурий вазифалардан биридир. Халқ миллий ўйинлари асрлар давомида ривожланиб, такомиллашиб, эъзозланиб келинган. Улар болаларни бўш юрмай фойдали машгулотларга ўрганишлари, соғлом ўсишлари, қатъиятли бўлишларига ёрдам берган. Инсонларнинг ҳар бир амалий ҳаракатида (юриш, югуриш, сакраш, юк кўтариш ва ҳ.к), айниқса, жисмоний машқларни бажаришда маълум даражада жисмоний ривожланишни ёки бу кўриниши, жисмоний сифатларни белгилайди. Бундай амалий ҳаракат фазилатлари меҳнат, жисмоний машқлар, спорт турлари, ҳаракатли ўйинлар орқали тарбиялаш натижасида бир мунча такомиллашган, ривожланган бўлади. Бу жиҳатлар ўзбек миллий ўйинлари ва ҳаркатли ўйинларида ҳам мужассамлашган, от ўйинлари, баъзи бир ҳаракатли ўйинлар (“Пойга”, “Чиллик”, “Миңди”, “Бўрон”, “Отиб қочар”, “Пода тўп” ва хоказо) замонавий спорт турларининг мазмуни, шакли, бажарилиш усуллари ва тарбиявий жиҳатлари билан тенглаша олади, ҳатто устунлик қилиши ҳам мумкин. Болалар “Қулоқ чўзма”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Подачи”, “Чархпалак”, “Ўрда тўп”, “Чиги”, “Қўтир эчки” каби ўйинларда ўзаро беллашиб, ким эпчилу, ким чаққонлигини аниқлаб оладилар. Шунингдек, “Узук

6, 2019 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

олиш”, “Игна санчиш”, “Поёндоз”, “Султончалар жанги”, “Игна, ип, ангишовна” сингари халқ ўйинлари ҳам йиллар оша бизгача етиб келган. Мазкур ўйинлар иштирокчиларига синчиклаб қарасангиз, ҳар бирида абжирлик, мураккаб ҳолатни тўғри баҳолаш, қийин вазиятдан чиқиб кетиш хусусиятлари қарор топганига амин бўласиз. Шундан хулоса қилиш мумкинки, миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари ёшларни соғлом вояга етказиш, уларга таълим-тарбия беришда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, миллий қадрият ва урф-одатларни асраб-авайлашда уларнинг ўрни бекиёс.


Халқ миллий ўйинларининг барча турларида чакқонлик, эпчиллик, жасурлик, пахлавонлик, мардлик каби жисмоний сифатлар ва инсоний фазилатлар тўла мужассамлашган.

Бошлангич синф ўқувчилари билан миллий ўйинларнинг элементлари, ҳаракатли ўйинларнинг мақсадли ташкил қилиниши натижасида уларнинг онгига миллий қадриятларимиз тобора сингдирилиб боради. Натижада таълим-тарбия жараёнларида миллий ўйинлар тобора сингиб, кенг қўлланиш имкониятлари яратилмоқда. “Наврўз”, “Мустақиллик куни”, “Ҳосил байрами” каби халқ байрамларида миллий ўйинларимиз (арқон тортиш, билак кучини синаш, от ўйинлари, хўроз, қўчқор уриштириш) кенг оммалашиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда халқ миллий ўйинларига кенг эътибор бериб келиниши натижасида уларнинг мазмунида миллий қадриятлар, гурур, ифтихор, мардлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, ўзаро ёрдам, ватанга садоқат каби хис-туйғулар, фазилатлар тўла мужассамлашганлигини эътироф этишимиз мумкин. Бу хислатларни кенг ёйиш, аҳоли ўртасида, айниқса, ўқувчи-ёшларга чуқурроқ сингдириш билан бир қаторда мамлакатимизда унитилиб борилаётган миллий ўйинларимизни тиклаш барчамизнинг бурчимиздир.

Адабиётлар

1. Йўлдошева Р. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти. -Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти. 1992.
2. Маҳмуд Сагтор. Ўзбек удумлари. -Тошкент, «Фан» нашриёти. 1993.
3. Меликулова Б. Миллий ўйинлар – халқ маънавияти кўзгуси. <http://www.uz.uz/oz/society/mi-iinlar-khal-manaviyati-kzgsusi-13.03.2014-31244>.



Buxoro davlat universiteti muassisligidagi
 “PEDAGOGIK MAHORAT”
 ilmiy-nazariy va metodik jurnali
 barcha ta’lim muassasalarini
 hamkorlikka chorlaydi.

Pedagoglarning sevimli nashriga aylanib ulgurgan “Pedagogik mahorat” jurnali maktab, kollej, institut va universitet pedagogik jamoasiga muhim qo‘llanma sifatida xizmat qilishi shubhasiz.

Mualliflar uchun eslatib o‘tamiz, maqola qo‘lyozmalari universitet tahririy-nashriyot bo‘limida qabul qilinadi.

Manzilimiz: Buxoro shahri, M.Iqbol ko‘chasi 11-uy
 Buxoro davlat universiteti, 1-bino 2-qavat, 208-xona

Tahririyat rekvizitlari:

Moliya vazirligi g`aznachiligi

23402000000100001010

MB BB XKKM Toshkent sh. MFO 00014 INN 201504275

BuxDU 400110860064017950100079002

Pedagogik mahorat: rivojlanamiz va rivojlantiramiz!

<p>PEDAGOGIK MAHORAT</p> <p>Ilmiy-nazariy va metodik jurnal</p> <p>2019-yil 6-son (70)</p> <p>2001-yil iyul oyidan chiqa boshlagan.</p> <p>OBUNA INDEKSI: 3070</p>	<p>Buxoro davlat universiteti nashri</p> <p>Jurnal oliy o‘quv yurtlarining professor-o‘qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar, ilmiy xodimlar, magistrantlar, talabalar, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari hamda maktab o‘qituvchilari, shuningdek, keng ommaga mo‘ljallangan.</p> <p>Jurnalda nazariy, ilmiy-metodik, muammoli maqolalar, fan va texnikaga oid yangiliklar, turli xabarlar chop etiladi.</p> <p>Maqolada keltirilgan faktlarning to‘g‘riligi uchun mualliflar mas‘uldir.</p> <p>Nashr uchun mas‘ul: Alijon HAMROYEV. Musahhih: Muhiddin BAFAYEV. Muharrir: Фируз Сафаров</p>	<p>Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Chop etish sifati uchun bosmaxona javobgar.</p> <p>Bosishga ruxsat etildi 28.12.2018</p> <p>Bosmaxonaga topshirish vaqti 30.12.2018</p> <p>Qog‘oz bichimi: 60x84. 1/8 Tezkor bosma usulda bosildi. Shartli bosma tabog‘i – 20,6 Adadi – 100 nusxa Buyurtma № 21 Bahosi kelishilgan narxda.</p> <p>“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Buxoro shahri M.Iqbol ko‘chasi 11-uy.</p>
---	--	--